

МУСАЕВ Оман

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар
кафедраси катта ўқитувчиси

НАВОИЙ АСАРЛАРИ НОМЛАРИНИНГ ТАБДИЛИ ҲАҚИДА

О ПЕРЕВОДЕ НАЗВАНИЙ ПРОИЗВЕДЕНИЙ НАВОИ

ABOUT THE TRANSLATION OF THE NAMES OF NAVOI'S WORKS

Аннотация. А.Навоий асарларининг сарлавҳаларини айрим нашрлар орқали кузатиб бориш, у ўз асарларининг бир қисmini араб, иккинчи қисmini форс-тожик тилларида номлаган, деган хулосага келишга асос беради. Мақолада А.Навоий форс-тожик тилида ёзилган шеърлари тўплами “Девони Фоний”дан бошқа барча асарларига араб тилида ном берганини исботлашга ҳаракат қилинади.

Калит сўзлар: А.Навоий, асар, сарлавҳа, нашр, араб, форс, тожик, тил, тўплам.

Аннотация. Прослеживание названий произведений А.Навои по некоторым изданиям дает основание судить о том, что он назвал одну часть своих сочинений на арабском, а другую на персидско-таджикском языке. В статье попытаются доказать, что А.Навои всем своим произведениям давал названия на арабском языке, кроме «Девони Фоний». Это и закономерно, ибо в нем собраны стихи, написанные им на персидско-таджикском языке.

Ключевые слова: А. Навои, произведение, название, издание, арабский, персидский, таджикский, язык, сборник.

Annotation. Tracing the titles of A. Navoi's works through some publications gives grounds to judge that he named one part of his works in Arabic, and the other in Persian-Tajik. The article will try to prove that A. Navoi gave names to all his works in Arabic, except for «Devoni Foniy». This is natural, because it contains poems written by him in the Persian-Tajik language.

Keywords: A.Navoi, work, title, edition, Arabic, Persian, Tajik, language, collection.

КИРИШ

Маданий меросимизга назар ташласак, кўп асарлар, қайси тилда битилмасин, асосан арабча номланганига гувоҳ бўламиз.

1929 йилгача халқимиз араб ёзуvidан фойдаланиб келди. 1929–1940 йиллар орасида лотин ёзуvidан фойдаландик. 1940 йилдан 1990 йилгача кирилл алифбосидан фойдаланиб келдик. Мустақилликдан сўнг жаҳоннинг кўпгина халқлари фойдаланадиган лотин ёзувига ўтдик.

Бу ҳол имло қоидаларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқишни талаб этди. Айниқса, араб ёзувиге асосланган туркий тилда битилган асарларни жорий алифбога транскрипция – табдил қилиш масаласида баҳсли ва мунозарали ўринлар кўп бўлди. Арабий саводхонликдаги нуқсон турли хато ва камчиликларни келтириб чиқарди.

Мана шу масалалардан бири асарлар номини тўғри ўқиш ва ёзишдаги хилма-хилликдир.

Мазкур кусурдан навоийшунослигимиз ҳам холи бўла олмади. Алишер Навоий асарлари номларини ўқишда ва тушунишда баъзи ихтилофли талқинлар юзага келди. Натижада гўё Алишер Навоий ўз асарларининг бир қисmini араб тилида, бошқа қисmini форсийда номлагандек тушунча вужудга келди. Бундай ноизчиллик (принципсизлик) ўз ҳаётига ва бадий ижодига ўта масъулият билан ёндашган Алишер Навоийдек даҳо учун, назаримизда, ётдир. ЎзССР давлат бадий адабиёт нашриёти томонидан Тошкентда 1963 йили нашр қилинган ўн беш томлик “Алишер Навоий асарлари тўплами”нинг биринчи томи 37–45-саҳифаларида берилган “Навоий асарларининг аниқланган рўйхати”га эътибор берайлик:

1. Бадоеъул-бидоя;
2. Наводирун-нихоя;
3. Хазойинул-маоний;
4. Ғаройибус-сиғар;
5. Наводируш-шабоб;
6. Бадоеъул-васат;
7. Фавойидул-кибар;
8. Ҳайратул-аброр;

9. Лисонут-тайр;
10. Мажолисун-нафоис;
11. Муҳокаматул-луғатайн;
12. Мезонул-авзон;
13. Маҳбул-кулуб;
14. Хамсатул-мутаҳаййирин;
15. Назмул-жавоҳир;
16. Насойимул-муҳаббат (маҳаббат);
17. Сирожул-муслимин [1]. Бу номларнинг

бари арабча экани ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди.

Шунингдек, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Муншаот”, “Вақфия” каби бир сўз билан ифодаланган номларнинг тилини қатъиян бир тилга тегишли дейиш ножоиз. Бинобарин уларни арабча ҳам, форсча ҳам дейиш мумкин.

Лекин “Фусули арбаа” деб ёзилиши арабча иборани форсий ибора деб гумон қилингани ва талқин қилинганига гувоҳлик беради. Агар Алишер Навоий форсийда битишни кўзласалар, осонгина “Чаҳор фасл” деб атаб қўя қолган бўларди. Мазкур ибора “Фусулун арбаа(тун)” деб ўқилиши араб тили қоида­сига тўғри келади ва фикримизча, ушбу икки сўздан мажбурий равишда форсча изофа тузишга ҳеч бир эҳтиёж йўқдек туюлади. Шунингдек, “Садди Искандарий” ҳам “Саддун Искандарий(ун)” бўлгани ҳақиқатдан йироқ эмас. Яна “Холоти Саййид Ҳасан Ардашер” ҳам “Холоту саййид Ҳасан Ардашир” деб ўқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. “Холоти паҳлавон Муҳаммад”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки аҷам”даги дастлабки сўз “Холоту” ва “Тариху” деб ёзилиши уларнинг арабий аслига қайтишига етарли бўлади.

Мазкур тўпламнинг 9-томи “Сабаъи сайёр” деб берилган. Ушбу тарзда ёзилиши араб тили таркиб қоидаларига хилофдир. Ўзининг бир асарини “Сабаъу абхур” деб араб тили қоидаларига тўла мувофиқ номлай олган Алишер Навоий бошқа бир асарини форс тилида номлашига ишониш қийин. “Сабаъи сайёр”даги аввалги сўзни “сабаъу”га ўзгартириш иборани “Сабаъу сайёр” тарзида арабий иборага айлантирса-да, ундаги “сайёр” сўзи арабий таркибни қониқтирмайди. Чунки арабча 3дан 10гача санок ва саналмиш таркибий бирикмасидаги саналмиш кўplikда туриши талаб этилади; 7ни англатувчи санок сўз “сабаъу” билан келаётган “сайёр” сўзи эса кўplik эмас, бирликдадир. Маълумки,

шу қолипда ифодаланувчи касб номининг кўплиги, агар шу касб аёлларга хос бўлмаса, муаннас шаклда ясалади: масалан, “қаввос – қаввоса(тун)” (камончи – камончилар), “ҳаммол – ҳаммола(тун)” (ҳаммол – ҳаммоллар)² бўлгани каби “сайёр”нинг ҳам кўплиги “сайёра(тун) – саёхатчилар” бўлади. Демак, асарнинг номи бизнингча “Сабаъу сайёра(тин)” бўлиши керак. Ушбу китоб муҳаррири ва изоҳлар муаллифи марҳум Р.Комилов изоҳларга кириш қисмида Алишер Навоийнинг ўзи “Муҳокаматул-луғатайн” асарида мазкур асарининг номини “Сабаъи сайёра” шаклида эслатганини ёзса-да, “... шу дostonнинг ўзида шоир:

Бўлди чун бу рақам иши тайёр

Қўйдим отини “Сабаъи сайёр” – дейди.

Биз ҳам шу номни қабул қилдик³, – дея тушунтиради. Бу иккала изоҳ ҳам гарчи Алишер Навоийга тегишли бўлса-да, улардан бири туркий тилдаги матнда, бунинг устига шеърый шаклда, бошқаси эса илмий асарда зикр этилган. Шеърга эркинлик хос, илмийлик эса дақиқликни талаб этади. Асарни номлаш ўта нозик ишлигини эътиборга олсак, Алишер Навоий шеърда жоиз бўлган эркалигини асарга ном қўйишда муносиб қилиб жойига қўйган ва илмий асарида атайин тўғри вариантини эслатган бўлишлари мумкин. Бу икки изоҳдан тўғриси­ни танлаш тадқиқотчининг араб тилидан ҳам етарли билимли бўлишини талаб қилади [3].

Ҳозирги кун навоийшунослигимиздаги мавжуд ҳолатни кўздан кечириш кишини шу нарсага амин қиладики, Алишер Навоий ижодиётига хос барча асарлар номини эндиликда араб тили ва ўзбек тили имло қоидаларига қиёсан яна бир тахрирдан ўтказиб чиқиш зарурдир.

Бунда ўзбек адабиёти тарихи мутахассислари билан арабшуносларнинг ўзаро ҳамкорлиги ижобий натижалар бериши шубҳасиздир.

1970-йилларда Алишер Навоий. Ҳикматлар. Номли китобча нашр этилган бўлиб, унда буюк шоир махсус ижодининг баъзи намуналари жаҳон тиллари: рус, инглиз, француз, испан, эрон, хинд, хитой, япон, корейс ва бошқа кўп тилларга таржима қилинган эди. Лекин бу ҳикматлар нима учундир араб тилига таржима қилинмаган эди. Қуйида анашу камчили­кни тўлдириш мақсадида баҳоли қудрат қилинган

таржимамизни мухтарам ўқувчилар ҳукмига ҳавола қиламиз:

Тошкечиклик Амон-нома

Алишер Навоий. “Ҳикматли сўзлар” иннинг арабча таржимаси

Бошни фидо қилғил ато бошиға,
ضع رأسك فداء عن رأس أبيك،
Жисмни садқа қил ано қошиға.
وتصدق جسمك عن أمك.
Тун кунингга айлагали нур фош,
وبغية إضاءة ليلك و نهارك
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.
اعتبرهما شمسا وقمرًا لك (أواو عهما أو ادرهما)
Йўқ ҳунари ёлғуз эса ўз киши
إذا تفرد شخص لم يرتق
Қайда киши сониди ёлғуз киши.
أين يحسب رجلا من تفرد (من تعزل)
Фард киши даврда топмас наво,
لا يفلح الرجل المستوحش عن المجتمع
Ёлғуз овучдин ким эшитмиш садо.
فمن سمع الصدى من يد واحدة
Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,
العلم يا نوائي فاجعله هدفك
Эмдиким илм ўлди, амал айлаг
فقد حصلت عليه فاعمل به
Кўп демак сўзга мағрурлик,
من كثر كلامه قد اغتر بالفاظه
Ва кўп емак нафсга маъмурлик.
ومن كثر أكله قد اتبع هوى نفسه
Карам ва мурувват ато ва анодурлар,
إن السخاء والمروءة مثل الوالدين
Вафою ҳаё икки ҳамзод фарзанд.
وأن الوفاء والحياء طقمان شقيقان
Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.
لا حياء لمن لا وفاء له ولا وفاء لمن لا حياء له
Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар.
إن كلام الصدق ما اعترفوا به وخير الكلام ما اختصروه
Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва донишдир.
إن زين الرجل في علمه وتديره
Билмаганни сўраб ўрганган олим,
من تعلم طالبا ما لم يعلمه فهو عالم
Орланиб сўрамаган ўзига золим.
ومن لم يطلبه متكبيرا فقد ظلم نفسه
Оз-оз ўрганиб лоно бўлур,
فمن تعلم قليلا قليلا أصبح عالما
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.
كما تجمعت القطرات فأصبحت نهرا (بحراً)
Бефойда сўзни кўп айтма,
لا تكلم بما لا ينفع

Фойдали сўзни кўп эшитурдан қайтма.
فلا تتعرض عن إعادة الاستماع ما ينفعك

Чин сўзни ёлғонга чулғама,
لا تخط قول الصدق بالكذب

Чин айта олур тилни ёлғонга булғама.
فلا تلوث لسانك الصادق بالكذب

Ки ҳар ишники қилди одамизод,
وما حصل عليها الإنسان من تنفيذه

Тафаккур бирла билди одамизод.
تدبره الإنسان فضلا من تفكيره

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
لا أرغب في الهوى ولا الحبيب

Агар мен одам эрсам, ушбу басдур.
فحسبي إن كنت آدميا بالحق

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиш
ранж ила,

Айламак осон эмас ҳаққин адо минг ганж
ила.

من عانى التعب في تعليمك حرفا في سبيل الحق
ليس من السهل أن تؤدي حقه بالثمن (الثروات)

Агар кимсадин зоҳир ўлса ёмон,
ومن وقع منه شر

Кўрар ҳар неким, зоҳир этди ҳамон.
بلاقيه مردودا له في أن ارتكابه

Агар нафъдин бўлса маҳзан йироқ,
إذا كانت حسنة الوجه عديمة النفع

Анинг лаълидин хора кўп яхшироқ.
فالحجر خير من شفتيها

Агар тузлик ўлса кишининг иши
من صح عمله ما أعظم وصف أمره

Не васф айлай олғай ишини киши
Агар эл қилмади ҳимоят санга,

Изм йимк қомк
إذ لم يحمك قومك

Ўзингдан керактур шикоят санга.
فلا بد أن تشكيك على نفسك

Айлар ишингга чу бўлур дастрас,
إذ أمكنت أمرك الذي أردت أن تنفذه

Вақтидин ўткарма ани бир нафас
فلا تغفل الفرصة ولا لنفس واحد

Барча лаззатдин тотдим
نقت من كل نوع من الحلويات

Офиятдин чучуқроқ шарбат топмадим.
فلم أجد ألد من العافية

Бийиклик келди ҳимматдин нишона,
العظمة من آلاء الهمة

Ки ҳимматсизни паст этди замона.
يهين الدهر من لا له الهمة

Бировгаким бировдин етди офот,
من أصيب بأفة من غيره

Ҳамоноким қотигроқдур муқофот.
فجذاؤه أعظم مما أصاب

Бировки тамаъ риштае қилғуси
من طمع خيطة

Унинг бирла бўғзидин осилғуси.
يشنق بها عنقه حتمًا

Бировким анга ҳиммат ўлди баланд,
ومن له الهمة العليا

Эрур одам аҳли аро аржуманд.
فمرجّو هو بين الورى

Бировким бўлур бир оёқ ош учун қул,
ومن باع نفسه عبداً لقصة طعام

Юзига керактур қозоннинг қароси.
فلا بد لوجهه من قبر القدر

Бир дирам олмоқ чекибон ранж,
درهم أولى أن تكسبه بتعبك

Яхшироқ андинки, биров берса ганж.
من الكنز الذي يهبه لك الغير

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин
шод айлағай,

Онча борким Каъба вайрон ўлса обод
айлағай [4].¹

فمن أسرّ بال من خاب باله كانما عمر الكعبة المحرمة إذ
خربت

АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том, – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 558.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 13-том, – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 132.

¹ Араб тилига О.Мусаев томонидан таржима қилинган

3. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 26.

4. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат / Муқаммал асарлар тўплами/. 17-том. – Т.: Фан, 2001. 169 б.

5. Алишер Навоий: қомусий луғат. II жилдлик. Масъул муҳаррир Ш.Сироҷиддинов. I жилд. Тошкент: Sharq, 2016. – Б. 525-526.

6. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. М., 1963. – С. 288.

7. Мадаминов А. “Хамса” қўлёзмалари // Адабий мерос. №17, Тошкент, 1981. – Б. 21-22.

8. Содиқов Қ. “Муҳокамату-л-луғатайн”ни ўқиб ўрганиш. Тошкент, 2011. – Б. 12, 30.

9. Сулаймонов Ҳ.С. Алишер Навоий қуллиёти қўлёзмалари тадқиқотдан // Адабий мерос. 1973, 3-сон, – Б. 86-87.

10. Шамсиев П. “Ҳайрат ул-аброр” танқидий текстини тузишидаги айрим масалалар // Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Т., 1986. – Б. 21.

11. Фильштинский И.М. Поэзия как форма самовыражения арабо-мусульманских мистиков // Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М.: Наука, 1989. – С. 223.

12. Қозихўжаев А. Ғазалнинг серовоз олами // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009, 4 декабр, № 49. – Б. 4-6.

13. Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. Тошкент: Фан, 1983. 194-бет.

14. Hazırlayan F. Sema Barutçu Özön- der. Ankara, 1996. – S.175.